Ўзбекистон Республикаси
Самарқанд вилоят
ҲОКИМИ

ХОКИМ
Самаркандской области
Республики Узбекистан

# ҚАРОР—ПОСТАНОВЛЕНИЕ

5 йил „I" март № 46-Қ

Чупон-ота массивидан Тайлок тумани хужаликларига кишлок хужалигида фойдаланиш учун ер ажратиш хакида

Халк депутатлари Самарканд вилоят Совети ижроия кумитасининг 1979 йил 19 сентябрдаги 18/570-1 ракамли карорига биноан Чупон-ата массивидан 612 гектар ер майдони Самарканд шахрига комплекс равишда уй-жой куриш максадида олиб берилган эди. Утган 15 йил мобайинида шахар хокимияти бир неча бор бу массивни узлаштиришга киришган булсада, айрим сабабларга кура тузилган лойихалар амалга ошмади.

Чупон-ота массиви ерларини узлаштириш, кишлок хужалигида фойдаланиш хамда шахар ахолисининг кишлок хужалиги махсулотларига булган талабини туларок кондириш максадида

КАРОР КИЛАМАН:

1.Чупон-ота массивидаги 200 гектар ер майдони узлаштирилиб,боғзор ва экинзорларга айлантириш максадида Тайлок туманига кишлок хужалик махсулотларини ишлаб чикариш учун ажратиб берилсин.

2.Вилоят сув хужалиги бошкармаси(З.Х.Журабеков)га Чупон-ота масивида янги суғориладиган ерларни узлаштириш, сувни тежаш технологияларини жорий этиш хисобига амалга ошириш юклатилсин.

3.Вилоят ер тузилиши ва ердан фойдаланишни назорат килиш давлат инспекцияси (Р.Гуломов) га Тайлок тумани хокимияти(А.Искандаров) билан биргаликда ажратилган ер майдонини туман хужаликларидан бирига беркитиш топширилсин.

4.Ушбу карорнинг бажарилишини назорат килиш вилоят хокимининг уринбосари Б.Хамроевга юклатилсин.

Вилоят хокими П.Абдурахмонов

50 м. 1992 г. Самарканд тип. им. Морозова — 3399 - 10000